



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАХЛИЛИ

**Ҳимматов Исмоил Ибрагимович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

фаолияти кафедраси доценти, полковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20538392>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEY WORDS

профилактика инспектори,  
оиладаги зўравонлик,  
виктимологик профилактика,  
ижтимоий мослаштириш.

### ABSTRACT

мазкур мақолада профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунчаси, оиладаги зўравонлик, виктимологик профилактик чора тадбирлар, ижтимоий мослаштириш, жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳуқуқий нормалар, таклиф ва мулохазаларни ёритиб берган.

Маълумки, жамиятда мавжуд ҳар қандай йўналишдаги соҳаларда, ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ижро этиш ва бошқариш фаолиятида ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни тўла, мақсадга мувофиқ, самарали амалга ошириш учун ўзига хос муайян ишлаб чиқилган, тасдиқланган тизим ва ташкилий тузилишларга асосланган қолда фаолият олиб борилади. Аниқ ташкил этилган ва ишланган тизим, тузилишга эга бўлмаган ҳар қандай йўналишдаги соҳа, жараён инқирозга учраши маълумдир. Айрим адабиётларда тизим деб, маълум бир элементлар, таркибларнинг ўзаро кетма-кет боғлиқликда бирикиб, бир бутун яхлитликни ташкил этишига айтилади. Шу ўринда хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган булсак уларда жамоат тартибини сақлаш қуйдагича ташкил қилинган.

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи энг қуйи тузилмалари ҳам тартибни сақлаш пунктлари ҳисобланади. Улар турли жойларда турлича: «Бош полиция вахталари», «Полиция вахталари», «Полиция станциялари», «Полиция постлари», «Полиция инспекциялари» каби номланиши мумкин. Ушбу тузилмалар ҳам мамлакатимиз милиция таянч пунктлари сингари, кеча-ю кундуз фаолият кўрсатади. Мамлакатда 1963 йилдан буён жамоатчилик асосида фаолият юритаётган кўнгилли полиция хизматига полиция вазифаларини бажаришга лаёқатлилиги текширувдан ўтказилган ва икки ҳафталик дастлабки тайёргарликдан ўтган кўнгилли фуқаролар қабул қилиниб, 10–15 нафари бир гуруҳга бирлашган ҳолда хизмат олиб бориши йўлга қўйилган<sup>1</sup>. Кўнгилли полиция хизмати аъзолари оммавий тартибсизликлар юзага келганда, йўқолган инсонларни қидириш ишларида ҳамда фаолиятни кучайтириш

<sup>1</sup>Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 16.

талаб этиладиган бошқа ҳолатларда полицияга яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Бунинг учун уларга белгиланган миқдорда пул мукофотлари бериб борилади<sup>2</sup>.

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим Францияда шаклланган. Тарихан Европанинг бошқа давлатлари сингари марказлашмаган ва ҳокимиятнинг турли институтларига бўйсинган Франция полицияси бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимида бирлашган икки асосий марказий институт – Миллий полиция ва Жандармериядан иборат<sup>3</sup>. Ҳуқуқшунос олим С.Н. Шишкарёв Миллий полиция ва Жандармерия узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган Франция полицияси тизимида муҳим ўринни эгаллаган ижроия ҳокимиятининг профессионал ҳарбийлашган тузилмаси эканини ва қонун ҳужжатлари билан аниқ ваколатлар доирасига эгаллигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

*Америка Қўшма Штатлари* – маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга бўлган давлат. АҚШ полицияси номарказлашган тизимга эга бўлиб, рус олими Д.Д. Шалягин бунинг Шимолий Америка давлатлари ҳудудидаги давлатчиликнинг тарихий шаклланиши натижаси деб ҳисоблайди ҳамда мазкур тизимнинг Европа давлатлари полиция тизимларидан асосий фарқи унинг «пастдан тепага» тамойили асосида ташкил этилганлигида, деб кўрсатади<sup>5</sup>. АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб борувчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. АҚШда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш вазифалари асосан штатларга юклатилган<sup>6</sup>. АҚШ полиция идораларининг кўпчилиги штатлар ва уч мингдан ортиқ графликда жойлашган шерифлик идораларидир<sup>7</sup>. АҚШда 18789та штатлар ва маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг 13578таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, 3088таси шерифлар идоралари, 49таси штатлар бўлинмалари, қолган 1316таси эса маҳаллий ва штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полициялари, транспорт полицияси ва б.) ҳисобланади. Мамлакатда тўлиқ иш кунда ишлайдиган, қасамёд қабул қилган полициячилар сони ҳар минг нафар аҳолига 2,4нафар, катта шаҳарларда эса 2,3нафардан тўғри келади<sup>8</sup>.

Осиёда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ўзига хос тизимга эга давлатлардан бири – *Япония*. Мамлакатда 1874 йилда

<sup>2</sup>Губанов А.В. Полиция государств Западной Европы: основные черты организации и деятельности: Учебное пособие. – М., 2019. – С. 38-39.

<sup>3</sup>Мачковский И.Г. Полиция Франции (организация, кадры, уголовно-процессуальная деятельность). – М., 1972. – С. 24–32.

<sup>4</sup>Шишкарёв С.Н. Полицейская система Франции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2021 – С.19.

<sup>5</sup>Шалягин Д.Д. Полиция США – организационные и правовые основы деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2021. – С.17.

<sup>6</sup>Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2021. – С. 17.

<sup>7</sup>Кваша Л.Ф. Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – М., 2021. – С. 197.

<sup>8</sup>Криминология / Пер. с англ. под ред. Дж.Ф. Шели – СПб.: Питер, 2021. – С. 466-470.

полиция ташкил этилганидан 1947 йилга қадар ИИБ таркибида бутун бир марказлашган тизим шаклланган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин 1954 йилдаги «Полиция ҳақида»ги қонунга мувофиқ, давлат аппаратида полиция кучларига раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш вазифаси тўғридан-тўғри Бош вазирга бўйсунувчи Жамоат хавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган. Жойлардаги полиция органлари эса маҳаллий префектура губернаторига бўйсунди<sup>9</sup>. Япония полициясининг ташкилий тузилиши ва фаолиятида муайян марказлашганлик мавжуд бўлиб, қонунга мувофиқ, жамоат хавфсизлиги давлат комиссияси ўз функцияларини амалда Полиция округлар бошқармасига\* кўрсатмалар бериш орқали бажаради. Тизимдаги кейинги поғона ҳисобланган префектурал штаблар устидан тегишли жамоат хавфсизлиги комиссиялари билан бирга Полиция округлар бошқармаси ва маҳаллий полиция бошқармаларининг бошлиқлари раҳбарлик ва назоратни амалга оширадilar. Шунингдек, мамлакат пойтахтида бошқа префектуралар каби ўз юрисдикцияси доирасида ҳаракат қиладиган катта мустақил тузилма – Пойтахт полиция бошқармаси фаолият олиб боради<sup>10</sup>.

Японияда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш полициянинг қуйи бўғинлари – полиция пост ва пунктлари – томонидан амалга оширилади. Мамлакатда полициянинг фаолиятини такомиллаштириб боришнинг устувор йўналишларидан бири уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириб боришдан иборатлигини яхши тушунган Япония ҳукумати полиция фаолиятининг дастлабки даврларидан аҳоли турар жойларида полиция пост (Кобан) ва пунктларининг фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу тизимга Мейдзи даври – 1874 йилда асос солинган бўлиб<sup>11</sup>, 1982 йилнинг бошига келиб мамлакатда 9446 та полиция пости ва 6053 та полиция пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлаган. Умуман олганда, ушбу пост ва пунктлар Япония полициясининг ўзаги бўлиб, уларда полиция ходимларининг деярли 40 % хизмат қилади<sup>12</sup>. Полиция постлари қишлоқларда жойлашган бўлиб, уларда битта полиция ходими (Chuzai-sho) ишлайди ва ўз оиласи билан истиқомат қилади. Полиция пунктлари эса асосан шаҳарларда жойлашган бўлиб, ходим учун фақат хизмат хонаси вазифасини бажаради. Уларда уч нафардан беш нафаргача полиция доимий равишда кўп сонли телемонитор ва радиоалоқа воситалари орқали тартиботни кузатиб боради. Японияда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бутун мамлакат бўйлаб бир тизим билан ишлаётган ушбу полиция пунктлари муҳим рол ўйнайди. 2010 йилнинг бошида 9 млн.лик аҳолига эга Токио шаҳрида ҳар бири 10–15 та пунктни ўз ичига олган 110та алоҳида полиция

<sup>9</sup>Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О. А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 151-152.

\*Изоҳ: Айрим даврларда ушбу бошқарма Полиция бош бошқармаси деб юритилган.

<sup>10</sup>Морозов Н.А. Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис. ... д-ра. юрид. наук. – М.: Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, 2016. – С. 284.

<sup>11</sup>Морозов Н.А. Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис. ... д-ра. юрид. наук. – М.: Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, 2016. – С. 285.

<sup>12</sup>Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О. А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 154.

бўлинмалари (жами 1184та пункт) хизмат олиб борган<sup>13</sup> бўлса, 2015 йилда бутун мамлакатда 6 минг 300та Koban ва 6 минг 600 нафар Chuzaisho хизмат кўрсатарди<sup>14</sup>. Япон полицияси пунктларидаги ходимларнинг фуқароларга нафақат ҳуқуқ-тартиботни сақлашда, қолаверса ҳар қандай мушкул шароитда ёрдам кўрсатиши уларнинг аҳоли ўртасида ҳурмати ошишига хизмат қилаётганлиги билан бирга, ушбу хусусият Япония ва хориж олимлари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда<sup>15</sup>.

Японияда полиция пост ва пунктларида хизмат олиб боровчи патруль-пост хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳар бир оила, корхона, муассаса ва ташкилот билан иш олиб борган ҳолда доимий равишда патруллик қиладилар. Мамлакат қонунларида ҳар бир полиция ходимига ўртача 400 та оила тўғри келиши лозимлиги назарда тутилган. Хизмат давомида патруль-пост хизмати ходимлари аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида суҳбатлар ўтказиб, уларни керакли ахборотлар билан таъминлайдилар, шунингдек жамоатчиликнинг полиция фаолиятига доир фикрини ўрганиб борадилар.

Япония полицияси ҳам жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш борасида кенг кўламли тажрибага эга бўлиб<sup>16</sup>, реабилитацион ҳимоя марказлари, «Акалар ва опалар», «Ота-оналар ва ўқитувчилар» жамиятлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш (мавзелар) кўмиталари бу борадаги ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли субъектларидир. Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ўз ўрнига эга бўлган «Акалар ва опалар» жамияти илк марта 1947 йилда Киото шаҳрида талабалар томонидан ташкил этилган. Ҳозирги кунда мазкур жамият Япониянинг барча ҳудудларидаги юзлаб маҳаллий жамоаларда минглаб аъзолар иштирокида ҳаракат қилади<sup>17</sup>. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда полицияга кўмалашувчи Ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти бугунги кунда ҳар бир мактабда ўз ўрнига эга. Ушбу жамиятнинг бутун давлат миқёсидаги фаолияти Ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти Умумяпон Кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Ўзини ўзи бошқариш кўмиталари Японияда Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ИИВнинг кўрсатмасига мувофиқ, ИИОнинг функцияларини бажарувчи қуйи бўғин сифатида фаолият кўрсатиб келган бўлса, 1952 йилга келиб, улар қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарадиган бўлдилар. Полициянинг ушбу кўмиталар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Японияда бутун мамлакат ҳудуди бўйича тарқалган ва таркибига фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари аъзоларини жамлаган «полиция билан

<sup>13</sup>Морозов Н.А. Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис. ... д-ра. юрид. наук. – М.: Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, 2016. – С. 285.

<sup>14</sup>Police of Japan 2015. Tokyo: National Police Agency. – 2015. – P. 10.

<sup>15</sup>Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of community Policing // Look from Ja-pan, March, 1997; Bayley D. Forces of Order. Berkeley, 1991. – P. 16.

<sup>16</sup>Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japan. 1997, March).

<sup>17</sup>Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О. А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 161.

алоқа пунктлари» фаолият олиб боради. Ҳар бири 50 га яқин оилани қамраб олган бундай пунктлар сони Японияда тахминан 700 000 та<sup>18</sup>.

Хорижий давлатлар полицияларининг жамоатчилик билан ҳамкорликни ўрнатишига доир амалиётини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, полициянинг жамоатчилик билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш орқали, *биринчидан*, маҳаллий даражада ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлашга, *иккинчидан*, полиция органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга; *учинчидан*, ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун нафақат полиция, балки жамоатчиликнинг ҳам масъул эканлигини тушуниб етишга эришилади.

Хорижий давлатлар ички ишлар органлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашда бир қатор усуллардан фойдаланадилар. *Патруллик қилиш* бу борадаги асосий усуллардан бири бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг айрим маҳаллий яшовчилар билан тўсатдан учрашиб қолиши эмас, балки маъмурий ҳудуддаги жамиятнинг барча бўғинлари билан фаол алоқада бўлиш, намунали ўзаро муносабат ўрнатиш ва маслаҳатлар бериш ҳақида амалий келишувлар тузишга қаратилган режали тадбирларни назарда тутати<sup>19</sup>. Кўплаб давлатлар ички ишлар органлари шахсий таркибининг 60–75 %ни патруллик хизматлари ташкил этиши ҳам фаолиятнинг ушбу турига бўлган катта эътибордан далолатдир.

Патруллик қилиш ҳудуд ва жиноятчилик интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошқора ва ноошқора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жиноятчига қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиғидир<sup>20</sup>. Патруллик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликларни олдини олади, йўл ҳаракатини тартибга солади ва назорат қилади, яширинган жиноятчиларни қидиришда иштирок этади, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайди ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар полициясининг патруллик хизматларига замонавий техник таъминот хос бўлиб, бу нарядларнинг юқори сафарбарлигига эришиш имконини беради. Масалан, Вашингтонда жиноят ҳақида хабар тушгач, патруль бўлинмаси диспетчерлик пунктдан ўртача 2,5–3 минут ичида воқеа жойига етиб боришга қодир. Патруль нарядлари ахборот таъминотига ҳам катта эътибор қаратилган. Улар алоқа воситалари ва компьютер техникаси билан яхши қуроллангани боис керакли маълумотни тезда ахборот марказининг маълумотлар базасидан олиш имконияти мавжуд.

<sup>18</sup>Бухаров Д.З. Жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик иштироки: жаҳон тажрибаси // Миллий кадрятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2007. – 259-бет.

<sup>19</sup>Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей / – М.: Ин-т. «Открытое общество» – 2001. – С.48.

<sup>20</sup>Губанов А.В. Полиция зарубежных стран. Организационно-правовые основы, стратегия и тактика деятельности. — М.: МАЭП, 1999. – С.95.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда полициянинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини энгиллаштириш мақсадида катта кўчалар ва посёлкаларда видеокузатув ускуналари ўрнатилди. XXI асрнинг бошларида бу борада Буюк Британияда катта эътибор Лондон шаҳрига қаратилган эди. 1999 йилда Қироллик ИИБ пойтахтнинг биргина кўча жиноятчилиги нисбатан кўп содир этиладиган шарқий марказий туманига 144 та кузатув камераси ўрнатган<sup>21</sup>. Мазкур камераларда олинган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга оид суратлар орқали иш олиб бориш полицияга катта қулайлик яратади.

Хорижий давлатларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири – «муаммони ҳал қилиш» бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий усулларни ўз ичига олган янги иш услуби ҳисобланади<sup>22</sup>. Эътибор берсак, полициянинг анъанавий иш услуби ҳуқуқбузар ёки жиноятчининг шахсини аниқлаш ва уларни жазолашга қаратилган. Бироқ, ишга бундай ёндашиш ҳамма вақт ҳам кутилган натижани беравермайди. Муаммони ҳал қилишда полиция жамиятда ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига олиб келадиган муаммо ва сабабларни ўргангани ҳамда уларни бартараф қилиш чоралари кўради. Қолаверса, мазкур усул жиноятга мойил шахсларнинг жинойий йўлни танлашига сабаб бўладиган, ҳаётидаги мавжуд муаммоларини аниқлаш ҳамда бартараф этишни назарда тутуди<sup>23</sup> ва кенг жамоатчилик ёрдамига таянади.

Бугунги кунда муаммони ҳал қилиш усулининг жамиятдаги ўрнини мунтазам равишда ўрганиб бориш мақсадида Европа давлатларининг кўпчилигида «САРА», «Муаммони таҳлил қилиш модули», «Муаммони ҳал қилиш учбурчаги» деб номланган турли моделлардан фойдаланилади. Бу моделлар муаммони ҳал қилишнинг турли босқичларида уни самарали амалга оширишга шароит яратади ҳамда мазкур усулнинг фуқароларга берган нафани баҳолаш имконини беради<sup>24</sup>.

Юқоридаги илмий таҳлиллар ички ишлар органларини бошқаришнинг полиция тизими қарор топган мамлакатларда ҳам маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда таянч пунктлари ўзига хос ўринга эга эканлигини яққол кўрсатди. Республикамиз ИИБ тизимида амалга оширилаётган ислохотларда бир қатор олимлар ва мутахассислар хорижий давлатларнинг илғор тажрибалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ички ишлар органларининг тузилишини қайта кўриб чиқиш ва полиция тизимига ўтиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади<sup>25</sup>. Хорижий давлатлар маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тажрибасини илмий таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз ички ишлар органлари

<sup>21</sup>Ўша жойда.

<sup>22</sup>Работа полиции в обществе: Пособие для преподавателей / – М.: Ин-т. «Открытое общество» – 2001. – С.12.

<sup>23</sup>Мухторов Ж. С. Муаммони ҳал этиш – жиноятларнинг олдини олишдаги янги усул // Ҳозирги замон Ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2004. – 204–208-бетлар.

<sup>24</sup>Наилучшая практика построения партнерства между полицией и обществом / Составлено Старшим советником Генерального секретаря ОБСЕ по вопросам полицейской деятельности. – Вена, 2008. – С.29-30.

<sup>25</sup>Таджиханов У. Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва истиқболлар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2000. – № 1. – 17-бет; Милиция қандай ислохотга муҳтож // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 1. – 9-бет.

тизимда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар истиқболда Ўзбекистонда полиция тизимининг жорий этилишига олиб келганда ҳам ушбу тизимда таянч пунктлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг марказий субъекти бўлиб қолаверади.

Хотима ўрнида шундай хулоса шаклланади: аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларнинг илғор хориж тажрибасини мамлакатимиз ички ишлар органлари, хусусан милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётига: *биринчидан*, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳудуддаги криминоген вазиятдан доимий хабардор бўлиб бориш, ҳуқуқбузарлик фактлари ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиб бориш ва содир бўлган ҳар қандай салбий воқеликка ўз вақтида таъсир кўрсатиш имкониятларни берувчи ахборот технологияларини жорий этиш ва моддий-техникавий базани яратиш бўйича чоратадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш; *иккинчидан*, ҳуқуқшунос олима И.А. Горшеневанинг барқарор ҳуқуқий давлатда ИИОнинг ижтимоий хизмат кўрсатиш функцияси ривожланиб бориш тенденциясига эга бўлишига доир фикрига<sup>26</sup> қўшилган ҳолда, ички ишлар органлари, шу жумладан милиция таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланган аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш функциясини кучайтириш ва шу орқали ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлашиши, ишончига кириши; *учинчидан*, ИИО фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонунлар ва махсус қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш; *тўртинчидан*, ИИО ходимлари, шу жумладан МТП субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш йўналишларида жорий этиш мумкин.

#### Фойданилган адабиётлар:

1. Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 16.
2. Губанов А.В. Полиция государств Западной Европы: основные черты организации и деятельности: Учебное пособие. – М., 2019. – С. 38-39.
3. Мачковский И.Г. Полиция Франции (организация, кадры, уголовно-процессуальная деятельность). – М., 1972. – С. 24–32.
4. Шишкарёв С.Н. Полицейская система Франции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2021 – С.19.
5. Шалягин Д.Д. Полиция США – организационные и правовые основы деятельности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2021. – С.17.
6. Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2021. – С. 17.

<sup>26</sup>Горшенева И.А. Полиция в механизме современного государства: Теоретико-правовые аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. // Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://dissercat.com/content/politsiya-v-mekhanizme-sovremennogo-gosudarstva-teoretiko-pravovye-aspekty> (дата обращения: 20.05.2016).

7. Таджиханов У. Ҳуқуқий ислоҳотлар: муаммолар ва истиқболлар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2000. – № 1. – 17-бет; Милиция қандай ислоҳотга муҳтож // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 1. – 9-бет.
8. Горшенева И.А. Полиция в механизме современного государства: Теоретико-правовые аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. // [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://dissercat.com/content/politsiya-v-mekhanizme-sovremennogo-gosudarstva-teoretiko-pravovye-aspekty> (дата обращения: 20.05.2016).
9. o'g'li Mustofaqulov BA, o'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – V. 1. – Yo'q. 6. – B. 188-192.
10. ugli G'ofurov, Asilbek Avaz, va Bobur Asror o'g'li Mustofaqulov. “HUQINCHIYATLAR profilaktikasi xizmatida kadrlarni ta'lim olish samarali tizimini takilish”. xalqaro ilmiy konferensiya” ilmiy ilimlar va innovatsion yondashishlar” . jild. 1. Yo'q. 2. 2024 yil.
11. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI. New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari , 1 (6), 193-200.
12. Мустофақулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.
13. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.
14. Мустофақулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.
15. Мустофақулов, Б. А. Ў., & Жумаев, С. Ж. Ў. (2025). профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 140-146.
16. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.